

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ФАРМОЙИШИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чоратadbирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида» 2020 йил 29 январдаги Ф-5537-сон фармойиши ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги томонидан иловага мувофиқ автотранспорт воситаларини харид қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, автотранспорт воситаларини:

а) харид қилиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари;

б) сақлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига қопланади.

3. «Ўзавтосаноат» акциядорлик жамияти иловада келтирилган автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги томонидан навбатсиз харид қилиш бўйича тегишли шартномалар тузилишини таъминласин.

4. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Қ. Шадманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 2 апрель,
178-Ф-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2-апрелдаги 178-Ф-сон фармойишига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-
эпидемиологик осойишталик агентлиги томонидан харид қилинадиган автотранспорт
воситалари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Худуд номи	Автотранспорт воситалари сони	шундан	
			Damas (D2)	Nexia (AV- GS16)
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	9	7	2
2.	Андижон вилояти	14	12	2
3.	Бухоро вилояти	9	7	2
4.	Жиззах вилояти	9	7	2
5.	Қашқадарё вилояти	10	8	2
6.	Навоий вилояти	8	6	2

7.	Наманган вилояти	8	6	2
8.	Самарқанд вилояти	11	9	2
9.	Сурхондарё вилояти	12	10	2
10.	Сирдарё вилояти	8	6	2
11.	Тошкент вилояти	10	8	2
12.	Фарғона вилояти	8	6	2
13.	Хоразм вилояти	7	5	2
14.	Тошкент шаҳри	4	2	2
15.	Марказий аппарат	3	1	2
Жами:		130	100	30